

**Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардияси қўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш
хизматини кўрсатиш бўйича**

ШАРТНОМА

Жиззах шаҳри

№12/20 сонли

2022 йил «14»январь

Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи полковник О.А.Амироров (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, Бахмал тумани Мактабгача таълими бўлимномидан шартномага асосан фаолият юритувчи бўлим мудири О.А.Камолова (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани кўйидагилар хақида туздилар:

1 боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллӣ гвардия қўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва сокчиллик қўриқлаши кўринишидаги техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТКП деб юритилади) фойдаланган холда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2 боб. Умумий шартлар.

2. Буюртмачи Бахмал тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли, Бахмал туманида жойлашган 1-сонли, 2-сонли, 3-сонли, 4-сонли, 5-сонли, 6-сонли, 7-сонли, 11-сонли, 12-сонли, 13-сонли мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда обьект деб юритилади)ни хар куни 07 соат, соат 09:00дан 16:00 гача, ташвиш тутма орқали ТКП ва КҶОС воситалари билан қўриқлаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи кабул килади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашниви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиши, ички обьект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиши ва ички обьект режимини ташкил этиши йўрүкномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова килиниб унинг ажралмас қисми хисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалар билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиккан холлар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланади.

6. Объектни қўриқлашада Буюртмачи билан келишилган холда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, обьектда 90 иш куни ичida Миллӣ гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади. Объектда сокчиллик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш обьектга 30 иш куни ичida йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, кўйилган ижрочи эса чакириб олинади.

3 боб. Тўловларни амалга ошириши.

9. Мазкур Шартнома асосида қўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларига мос холда кўйидагича хисобланади:

Пост-соат хисобида қўриқлаш хизмати ойига 6957000 (Олти миллион тўқиз юз эллик етти мин) сўм, 3 ойга 20871000 (Йигрма миллион саккиз юз етмиш бир минг) сўм бўлади.

Ижрочи балансида турган сокчи итни саклаш учун ойига 00 сўм, 12 ойга 00 сўм бўлади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган холларда қайта кўриб чикилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичida мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим килингандан сўнг Буюртмачи 5 кун ичida аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-банлида қўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим килишга хақлиdir.

Мазкур шартнома бекор қилинган холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4 боб. Томонларнингхуқук ва мажбуриятлари.

13. Буюртмачи қўйидаги хуқукларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат қўрсатиш жараёнидан Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ходатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир холати бўйича Ижрочининг вакили иштироқида икки нусхадан далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл кўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда, ижроидан уларни бартараф этиши талаб килиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюргачининг мажбуриятлари:

мазкур Шарноманинг ажралмас қисми хисобланган 2022 йил «05»январдаги даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриклишга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник кўриклиш воситалари (*объектнинг турига қараб пост кўриклишлари ва уни иситиш ускуналари, постларо алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан кўриклиши сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатии майдончаси, шахсий текшириши хоналари, иччи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаши хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар*) билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмираш;

хар кандай моддий кимматликларни обьект худудининг девор тўсигидан 10 метр узоқлика (*объект жойлашувини хисобга олган холда*) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустахкамлигини, кўриклишнинг техник воситалар билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнгиндан кўриклиш сигнализацияси холатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда Томонларнинг вакиллари иштироқида далолатнома тузиш;

Белгиланган кўриклиш режими талабларини бажариш ва техник кўриклиш воситаларининг тегишли холатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмираш ишлари, обьектларни қайта жихозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиши, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга изараға берини ёки мулк хуқукини ўтказиш, кўриклиш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки кўшимча кўриклиш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунида кўриклиш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги холатида бу ҳақда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар обьектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриклишга топшириш. Обьектни кўриклишга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор килиб, 5 дакикадан сўнг обьектнинг кўриклишга кабул килинганлиги ҳақида ишонч хосил килиш;

обьектни, ёнгиндан кўриклиш сигнализацияси билан жихозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриклишга топшириш. эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентилияция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриклиш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш холатини текшириш, кўриклиниадиган биноларда электр жихозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёқилган холда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг обьектда колишига йўл кўймаслик;

кўриклиниадиган худудда бинодан ташкарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган холатда қайта хисоб-китоб асосида қабул килиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюргачий вакиллари томонидан имзоланган холда кўриклишга топшириш;

махсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо кўйиш йўли билан обьектларни, алоҳида хоналарни кўриклишга топшириш, кўриклиш тугагандан сўнг кўриклишдан чиқариш;

кўриклиниадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги ҳақида ёки обьектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва обьектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг даҳлизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриклиш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор килимаслик;

Ижрочи вакилларини обьектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги коидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид қисми билан танишиши;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюргачидан обьектда ўринатилган кириш-чикиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

Мазкур шарномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор килиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриклиш техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюргачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Обьектда постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувофиқ кўриклиш парядини жорий қилиш;

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувофик обьектни ҳамда кўриклишга топширилган моддий кимматликларни кўриклишни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриклиниадиган худуддаги лекин бинодан ташкарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган холатини текшириб, қайта хисоб китоб асосида қабул килиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюргачий вакиллари томонидан имзоланган холда қабул килиб олиш;

объектда кириш-чикиш ва обьект ички тартибига риоя этиш, обьект худудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган обьектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир маргалик кириш рухсатномаси билан обьектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаши;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаши;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши холатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганини аникланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва обьектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетини сабабларини аниқлаш ва обьектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиртириш, текшириш натижалари ва обьектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочининг холимлари томонидан хизматни тапкил килиш ва амалга опириши, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаши;

объектни кўриқлашга қабул килганда ва топширганда обьектдаги техник мустахкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлик аникланган барча камчиликлар хакида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустахкамланганини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбариятига тегишили чоралар кўрилиши учун бериш;

кўриқланастган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллӣ гвардия кўриқлаш хизмати навбатчилик кисмiga ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллӣ гвардия кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга кадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5 боб. Томонлар жавобгарлиги.

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўланмаганилиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пения тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пения тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларни бузиши оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганилиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аникланган ҳолларда зарар тўлиқ микдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар микдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар микдори суднинг қарори билан аникланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан, зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган қарори, билан тасдиқланса.

Қабул килиш-топшириш журналида кайд килинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюрмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганилик учун белгиланган неустойка (жарима, пения) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажарин, ўзгартирилиши ва бекор килиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар конуни ҳужжатларида белгиланган тартибида Иктиносий суд томонидан кўриб чиқилади.

7 боб. Форс-мажор.

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаганилиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузишдан кейин пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муаян шаронитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч холатига ҳавола килувчи томон бошка томонни бундай холатлар бошланганилиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда бажардор килиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганилиги учун жавобгарликдан озод килиш асоси сифатида кўрсатишга хакли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошкнилари, ер кимирлаши ва бошка табиий ҳалокатлар, шунингдек, эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат хокимияти ва бошкаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч холатлари амал килган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор килишга ҳақли.

8 боб. Якуний қоидалар.

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилади.

29. Мазкур Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириши ёки бекор килиш ҳақидаги таклифга иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал килиш муддати қўйидаги белгиланади:
хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб номуайян муддатга амал қиласди.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгиланган тартибда газначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор килиш ҳақида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум килмаса, мазкур Шартноманинг амал килиши муддати худди шу муддатга узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник қўриклари воситалари Буюртмачининг айби билаги ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмиришни талаб киласа, бирок Буюртмачи буни рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум килган холда алоҳида объектларни қўриклишни рад этиши мумкин. (эслатма: тоифаланган ва банк обьектлари бундан мустасно)

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишида огохлантирган холда бир томонлама бекор килишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида қўриклиш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишида огохлантирган холда бир томонлама бекор килишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишида маълум қиласди.

35. Объектнинг ҳусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофик хуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9. Томонларининг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи:

Буюртмачи:

Жizzax viloyat Kўriklash boşqarmasi

Bahmal tumani Maktabgacha taъlimi bўlimi

Юридик манзили: Жizzax шаҳри Сайилжойи кўчаси 5-ий.

Юридик манзили: Bahmal tumani MTB

Банк маълумотлари: Марказий банк Жizzax viloyat boşqarmasi

Банк маълумотлари: Marказий bank Toшkent shaхri

X/P: 21596000600567049001

X/P: 100022860082047091100251007

MFO: 00018

MFO:00014

СТИР: 202383751

СТИР:305155318

OKONX: 97920

Faznaciliq bўlinmasining nomi:Bahmal tumani

bўйича Faznaciliq bўlinmasi

JFX: 23402000300100001010

Bank nomi: Marказий bank Toшkent shaхri

MFO: 00014

Faznaciliq bўlinmasining

СТИРИ:201122919

Бошлиги
полковник:

O.A. Амироп



Хуқуқшумош С.А.Эрганов

Бўлим мудири: O.A. Камолова

« 1 январь 2022 йил



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№ PY21345785

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘riqlash xizmati tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga qo‘riqlash xizmatini ko‘rsatish bo‘yicha

**3. Loyixasining
mazmuni**


Baxmal tumani Davlat maktabgacha ta‘lim muassasalarini qo‘riqlovga olish xaqida

**4. Loyiha ishlab
chiquvchisi va
kiritilgan sana
haqidagi ma’lumot**

Xujjat loyixasi Baxmal tuman Maktabgacha ta‘lim bo‘limi tomonidan 2022 yil 14 yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



A. Ergashev

2022 yil «18» yanvar